

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАРАЛИЕВА НАСИБАХОН МАМАНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АЛОҲИДА АҶАМИЯТГА ЭГА БОТАНИК  
ҲУДУДЛАРНИ ТАНЛАШ ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР  
ТАЪСИРИДА БЎЛГАН НОЁБ ТУРЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**03.00.10 –Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Наралиева Насибaxon Мамановна**

Фарғона водийсида алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни танлаш ва антропоген омиллар таъсирида бўлган ноёб турларни сақлаб қолиш тамойиллари..... 3

**Наралиева Насибaxon Мамановна**

Выделение ключевых ботанических территорий Ферганской долины и принципы сохранения редких видов в условиях антропогенного влияния... 27

**Naralievа Nasibakhon Mamanovna**

Selecting important plants area of Fergana valley and principles of conservation of rare species in conditions of increased anthropogenic influence.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАРАЛИЕВА НАСИБАХОН МАМАНОВНА**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА БОТАНИК  
ҲУДУДЛАРНИ ТАНЛАШ ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР  
ТАЪСИРИДА БЎЛГАН НОЎБ ТУРЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ  
ТАМОЙИЛЛАРИ**

**03.00.10 –Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**НУКУС – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/B80 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) ҳамда “Ziyonet” ахборот –таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Мадумаров Толибжон Абдумаликович</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Ёзиев Лутфулло Хабибуллаевич</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Батошев Авазбек Рискулович</b> биология фанлари доктори
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Миллий университети</b>

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.02/30.04.2021.B.79.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил **25 март куни соат 11:00** даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шоҳ кўчаси, 41-уй. Институтнинг кичик мажлислар зали. Тел:(+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: [info@aknuk.uz](mailto:info@aknuk.uz)

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти ҳузуридаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**21** рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шоҳ кўчаси, 41-уй, тел: (+99861) 222-17-44.

Диссертация автореферати **2022 йил 4 март** да тарқатилди.

(2022 йил **4** мартдаги № **21** рақамли реестр баённомаси).



**Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., проф., академик

**Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.ф.д. (PhD)

**Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д. доцент

## КИРИШ (биология фанлари доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё амалиётида биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг асосий стратегияси сифатида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни белгилаш ва майдонларини кенгайтириш, табиий ландшафтларда антропоген омилларнинг таъсирини камайтириш каби муаммоларга бағишланган тадқиқотларни амалиётга жорийлаштириш талаби ортиб бормоқда. Охирги ўн йил давомида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг дунё бўйлаб 30 млн. км<sup>2</sup> дан ортиқ майдонга тўғри келиши, ҳар бешинчи биологик турнинг йўқолиб кетиш хавфи остида эканлиги, биологик хилма-хиллик тўғрисидаги халқаро Конвенция (1992) ва у билан боғлиқ мақсадли вазифаларнинг белгиланиши биологик объектларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги амалий ишларни янада такомиллаштириш долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Бугунги кунда дунёда антропоген омилларнинг кучли таъсири остида қолган табиий ландшафтларда биологик хилма-хилликни, айниқса, ўсимликлар хилма-хиллигини асраб қолиш, унда содир бўлаётган ўзгаришларни илмий жиҳатдан асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ерларнинг ўзлаштирилиши, чорва молларини тартибсиз ўтлатиш, саноат корхоналарининг қурилиши каби омиллар таъсирининг ортиб бориши йўқолиб бораётган ўсимлик турларини сақлаб қолишнинг янги илғор услубларини жорий этишни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ноёб ва эндем турларни сақлаб қолиш учун жаҳон амалиётида такомиллашиб бораётган алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш, таснифлаш ва маҳаллий қонунчилик амалиётига жорий этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ўсимлик объектларини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Фарғона водийси Марказий Осиёнинг аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудларидан бўлиб, бу ерда мавжуд табиий ландшафтларни қонун устуворлиги орқали сақлаб қолиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “атроф-табиий муҳит зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш” бўйича муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳудудларнинг ноёб ва эндем турлари таркибини аниқлаш, геоахборот тизимидаги хариталарини тузиш ва муҳофаза чоралари бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, муҳофазага муҳтож ўсимлик турларини мавжуд шароитда сақлаб қолишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш ушбу тадқиқот ишининг заруратини белгилайди ва муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги 1034-сон “Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, нашр этиш ва юритишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ўсимликларнинг табиий географик ва маъмурий ҳудудлар бўйича тақсимланишини хариталаш ва эндемизм фракцияларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Bonn (Германия), University Pisa (Италия), Unitedi Botanica (Италия), Minot State University (АҚШ), University of Bonn (Германия), Korea National Abarethum (Жанубий Корея), МДУ гербарийси (Россия), Kunming Institute of Botany (Хитой) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўсимликларнинг табиий географик ва маъмурий ҳудудлар бўйича тарқалишига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: ҳудудий флораларнинг таксономик таркибини хариталари тузилган, юксак ўсимликларнинг глобал тақсимланишини акс эттирувчи хариталар тузилган (University of Bonn, Германия); миллий эндем турларининг конспектлари тузилган ва уларнинг географик тарқалишлари аниқланган (Department of Biology, Unitedi Botanica, University Pisa, Италия); миллий флоранинг янги рўйхатларини тузишда такомиллаштирилган тадқиқот усуллари яратилган (Kunming Institute of Botany, Хитой).

Дунёда ноёб ва эндем ўсимликларни сақлаб қолиш, алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни танлаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан ҳудудий флораларнинг таксономик таркибини хариталаш, электрон базасини шакллантириш, алоҳида аҳамиятга

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), [researchgate.net](http://researchgate.net), <http://www.fundamental-research.ru>, [www.webofscience.com](http://www.webofscience.com) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

эга ботаник худудларни аниқлаш; ноёб, эндем ва йўқолиб бораётган турларни *in-situ* шароитида сақлаб қолиш асосида муҳофазага мўжалланган самарали чора ва тадбирларни ишлаб чиқиш, географик ахборот тизимлари (ГАТ) асосида флоранинг электрон хариталарини яратиш, табиий ва антропоген омилларнинг таъсирида ўсимликлардаги биологик хилма хилликни камайиб кетиш сабабларини илмий асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси.** Алоҳида аҳамиятга эга ботаник худудларни танлаш бўйича тамойиллар ва методикалар Anderson S. (2002, 2003), Hall M., Miller A.G., Llewellyn O.A., Al-Abbasi T.M., Al-Harbi R.J. & Al-Shammari K.F. (2011)., Llewellyn O.A., Hall M., Miller A.G., Al-Abbasi T.M., Al-Wetaid A.H., Al-Harbi R.J. & Al-Shammari K.F. (2011), Artemov I.A. (2012) лар томонидан такомиллаштирилган. Хорижий олимлардан Г.Пронькина (2003), Н.В. Стоящева (2007), К.Г.Таманян, Г.М.Файвуш (2009) Д.Н. Слащев, А.В. Гиляшова (2010), М.В. Олонова, Д. Чжанг, У.Бекет (2013), К.Г.Таманян, Г.М.Файвуш (2009), Darbyshire (2017)ларнинг тадқиқотлари ботаник хилма-хиллиги юқори бўлган алоҳида аҳамиятга эга ботаник худудларни (ААБХ, ИРА, КБТ) ажратиш ҳамда ноёб ва эндем турларни, уларнинг популяцияларини сақлаб қолиш муаммоларига бағишланган.

Ўзбекистонда, хусусан Фарғона водийсида олиб борилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар асосан юксак ўсимликлар (флора, систематика, геоботаника) ва тупроқ сувўтлари устида олиб борилган. Фарғона водийси худудида О.А. Федченко ва А.П. Федченко (1868-1871), О.Э. Кнорринг, З.А. Минквиц (1912), О.Э.Кнорринг (1914,1915), З.А.Минквиц (1917), М.Г.Попов (1922), В.П.Дробов (1925), Б.М.Комаров (1955), М.М.Набиев (1959), Ў.П.Пратов (1970), О.Н.Бондаренко (1950) М.М.Арифханова (1965), П.Х.Ҳолқўзиев (1971), Р.С. Верник, Т.Рахимова (1971,1982) Т.Худайбердиев (1997), К.Ш.Тожибаев (2002, 2010), Т.Х.Махкамов (2012), Ф.И.Каримов (2016), Х.Э.Эргашева (2017), М.П.Юлдашева (2019), Ю.А.Тўхтабоева (2019), О.Ф.Хусанова (2019), С.Т.Мамасолиев (2019) ва Г.А.Иброҳимова (2020), О.Н.Имомов (2020)лар турли йилларда тадқиқот ишларини олиб борганлар, бироқ бу ботаник тадқиқотлар Фарғона водийсида ноёб ва эндем ўсимлик турларини сақлаб қолиш асосларини, тамойилларини тўлиқ очиб бера олмайди.

Ўзбекистон флорасини қайта нашр этиш, Ўзбекистон Қизил китобини даврий тўлдириш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари ҳамда худудий бошқармалари учун тақдим этиладиган замонавий маълумотлар бугунги кунда янгича ёндашувларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Фарғона водийсида ААБХларни танлаш ва ажратиш, уларни қонуний мақоми учун тавсиялар киритиш, ноёб ва эндем турларни сақлаб қолиш учун илмий асосланган ахборотлар базасини яратиш зарурати муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот

ишлари режасининг Ф-5-19 “Фарғона водийсида алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни танлаш – Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг янги йўналиши (Фарғона водийси мисолида)” (2012-2016), А-7-21 “Фарғона водийси шимолий ҳудуди ўсимликлар қопламининг антропоген трансформациясини баҳолаш” (2015-2017) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Фарғона водийсида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ботаник ҳудудларни белгилаш, антропоген омиллар таъсири остида қолган ноёб турларни сақлаб қолиш тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фарғона водийсида антропоген омиллар таъсири остида қолган табиий ҳудудларни аниқлаш ва асослаш;

Фарғона водийсида тарқалган ноёб ва эндем турларнинг тур таркибини шакллантириш, конспектини тузиш, уларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини яратиш орқали алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни танлаш ва ажратиш;

Алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни ажратиш методларини такомиллаштириш ва Фарғона водийси шароитида апробациясини ўтказиш;

Фарғона водийсида ажратилган алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни таснифлаш;

биохилма-хилликни сақлаб қолиш йўналишида алоҳида мезонлар асосида қонунчиликка оид илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмидаги табиий ландшафтлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** алоҳида аҳамиятга эга бўлган ботаник ҳудудларни ажратиш, флора ва ўсимликлар экологияси ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда экологик (маршрутли, ярим стационар, кузатиш, мониторинг), ўсимликлар хилма-хиллиги объектларини ҳужжатлаштириш, халқаро мезонлар, жумладан алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудудларни аниқлаш критерийлари, маълумотлар электрон базаси ҳамда ГАТ-хариталарини яратиш услублари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида антропоген омилларнинг таъсири остида қолган табиий ҳудудлар аниқланган ва антропоген омилларнинг таъсир кўлами очиқ берилган;

илк бор фан учун *Tulipa intermedia* Tojibaev & J.J. de Groot., Ўзбекистон флораси учун *Pseudosedum ferganensis* Boriss., *Euphorbia alaica* (Prokh.) Prokh., Фарғона водийси флораси учун *Atraphaxis compacta* Ledeb., *Tulipa vvedenskyi* Botschantz. янги тур сифатида аниқланган;

илк бор Фарғона водийси ҳудудида 7 та ноёб ва эндем турларнинг, *Allium michaelis* F.O.Khass. & Tojibaev, *Asparagus ferganensis* Vved., *Dorema microcarpa* Korovin., *Limonium ferganense* Ik.-Gal., *Lamyropappus schakaptaricus* (B. Fetsch.) Knorring & Tamamsch., *Mogoltavia sewerzovii* (Regel) Korovin, *Corydalis paniculigera* Regel et Schmalh. янги ўсиш



маконлари топилган;

Фарғона водийси флорасида тарқалган 28 оила, 69 туркумга мансуб 166 ноёб ва эндем ўсимлик турларининг замонавий конспекти тузилган ва уларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари яратилган;

илк бор алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш бўйича қўлланиладиган методик тавсиялар Марказий Осиё табиий-географик шароитларидан келиб чиққан ҳолда модификация қилинган;

Модификациялаштирилган методлар ва критерийлари асосида Ўзбекистонда илк бор Чуст-Поп адирлари бедленди, Чотқол тоғ тизмасининг жанубий ҳудудлари ва Шохимардонсой дарёси ҳавзаси алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудуд сифатида асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш бўйича қўлланиладиган хорижий методик тавсиялар Марказий Осиё табиий-географик шароитларидан келиб чиққан ҳолда модификация қилинган;

Фарғона водийси флорасида тарқалган 28 оила, 69 туркумга мансуб 166 ноёб ва эндем турларнинг замонавий конспекти тузилган, уларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари ва маълумотларнинг электрон базаси яратилган;

дала тадқиқотларининг натижалари асосида фан учун янги киритилган *Tulipa intermedia* Tojibaev & J.J. de Groot ҳамда ўсиш жойлари аниқланган *Tulipa vvedenskyi* Botschantz турлари Ўзбекистон Қизил китобининг охирига нашрига киритилган;

Фарғона водийсида алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларнинг ажратилганлиги антропоген омиллар таъсирида бўлган 166 та ноёб ва эндем ўсимлик турларини сақлаб қолинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда классик ва замонавий услублар ҳамда назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг электрон базасини FLORUZ ахборот-таҳлил тизимига ([www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)) жорий этилганлиги, дала тадқиқотлари давомида йиғилган ўсимликларнинг гербарий намуналарини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг “Миллий гербарий” фондида сақланаётганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларнинг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўрта Осиёда илк бор Фарғона водийси шароитида алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни ажратиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги ва илмий амалиётга татбиқ этилганлиги, ААБҲ ажратишнинг категориялари белгиланганлиги ва дала тадқиқотлари давомида апробациядан ўтказилганлиги, Ўзбекистон флораси учун янги турларнинг келтирилганлиги ҳамда ноёб, эндем турларнинг ўсиш жойлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Фарғона водийсида учта алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларнинг ажратилганлиги, 166 та ноёб ва эндем ўсимлик турларини аниқланганлиги маъмурий ҳудудларда ўсимликлар дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни сақлаш тизимини ишлаб чиқиш учун хизмат қилиши билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда “Миллий гербарий” фаолиятида биохилма-хилликни муҳофаза этишда, ноёб ва эндем турлар таркибини аниқлаштиришда ва улардан фойдаланишда, экология соҳасида ўсимлик дунёси объектларининг мониторингини амалга оширишда ҳамда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларининг юксак ўсимликлари давлат кадастрини яратишда асос сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийсининг алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси флорасида тарқалган 166 ноёб ва эндем ўсимлик турларининг “турлар рўйхати”, замонавий конспекти, ГАТ хариталари, дала тадқиқотлари давомида йиғилган гербарий намуналари бўйича олинган маълумотлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 30 августдаги 03.03/1-1284-сон маълумотномаси). Натижада Андижон вилояти юксак ўсимликлари кадастрини тайёрлаш ҳамда Фарғона водийсида тарқалган Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимлик турларининг замонавий электрон каталогини яратиш, шунингдек, Фарғона водийсида учрайдиган ноёб ва эндем ўсимлик турларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда илмий асосланган маълумотлар тайёрлаш имконини берган;

фан учун илк бор аниқланган *Tulipa intermedia* Tojibaev & J.J. de Groot., Ўзбекистон флораси учун биринчи марта келтирилган *Pseudosedum ferganensis* Boriss., *Euphorbia alaica* (Prokh.) Prokh., Фарғона водийси флораси учун аниқланган *Atraphaxis compacta* Ledeb., *Tulipa vvedenskyi* Botschantz. ҳамда янги ўсиш жойлари топилган 7 та ноёб ва эндем турлар бўйича маълумотлар Ботаника институтининг “Миллий гербарий” амалиётига жорийлаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 10 августдаги № 4/1255-2206-сон маълумотномаси). Натижада, 166 ноёб ва эндем ўсимликларнинг 800 та гербарий намуналари Ўзбекистон табиий флораси турларини тўр тизимли хариталаш (grid mapping) ва Ўзбекистон флораси фондини янги турлар билан бойитиш имконини берган;

алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларга ҳуқуқий мақом бериш бўйича “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуннинг I боби 5-моддасига, VIII-боби 35-моддасига ўзгартишлар ҳамда VIII бобга янги модда киритиш таклифи Қонунчилик палатасида ўрганилган ва муҳокама учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 4 октябрдаги №10-11/2-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистонда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик тизимида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг, шунингдек биологик хилма-хилликни сақлаб

қолишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонун ҳужжатларини даврий янгилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш нашр этилган, шундан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш асослари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти ва методлари”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотлар таҳлили берилган. Биринчи бобнинг “Тадқиқотлар таҳлили” қисмида Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқот ишларининг қисқача шарҳи ҳамда алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни ўрганиш бўйича олиб борилган изланишларнинг таҳлили ёритилган. Шунингдек, ушбу бобда тадқиқот ишининг объекти ва методлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Фарғона водийсининг табиий ландшафтларини ўрганиш мақсадида 2012-2017 йилларда Фарғона водийси бўйлаб белгиланган, аниқ маршрутлар асосида амалга оширилган дала тадқиқот ишлари олиб борилган. Фарғона водийсининг геоэкологик хусусиятлари П.Баратов (1996), П.Баратов, М.Маматқулов, А.Рафиқов (2002), Р.Й.Ҳолиқов(2020)ларнинг тадқиқотлари асосида тавсифланди. Ўсимликлар қопламининг антропоген трансформациясини ўрганишда В.Л.Котельников (1950), М.А.Березуцкий (2008), Г.А.Иброҳимова (2020) ларнинг ишларидан фойдаланилди.

Изланишлар давомида ушбу ҳудуддан 3000 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилган ҳамда Ўзбекистон Миллий Гербарийсида сақланаётган, Фарғона водийси ҳудудидан 1905 йилдан бери йиғилган 5000 дан ортиқ намуналардан фойдаланилган. Турларнинг ноёблик ва эндемлик мақомини ёритишда “Определитель растений Средней Азии” (1968-2015), “Флора Узбекистана” (1941-1962), таксономик бирликларни аниқлашда “Флора СССР” (1934-1964), “Флора Таджикской ССР” (1957-1991), “Флора

Узбекистана” (1941-1962), “Флора Киргизии” (1950-1970) фундаментал манбаларининг тегишли томларидан фойдаланилди. Фарғона водийсининг ноёб ва эндем ўсимликларининг конспекти юксак ўсимликларнинг таксономик тизими APG-IV (2009) асосида, оила, туркум ва турларнинг илмий номлари International Plants Names Index ([www.ipni.org](http://www.ipni.org)) халқаро каталоги бўйича келтирилди. Турларнинг замонавий номлари The World Plants Catalog of Life ([www.catalogueoflife.org](http://www.catalogueoflife.org)), International Plants Names Index ([www.ipni.org](http://www.ipni.org)), The Plant List ([www.theplantname.com](http://www.theplantname.com)) бўйича келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари Authors of Plant Names R.K. Brummit, С.Е. Powell (1992) қўлланмаси асосида амалга оширилди.

Диссертациянинг “**Худуднинг геоэкологик тавсифи**” номли иккинчи бобида орографик ва иқлим экологик омиллар, яъни географик жойлашуви, геологик тузилиши, рельефи, иқлими, гидрологияси, тупроқлари тўғрисидаги замонавий маълумотлар келтирилган. Маълумки, Фарғона водийси табиий географик нуктаи назардан чўл (текислик), адир, тоғ ва яйлов минтақаларини ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Фарғона водийсининг турли иқлим минтақаларида ҳароратнинг ўзгариш динамикаси

Фарғона водийсининг иқлим экологик омиллари чўл, адир, дашт ва тоғ зоналари бўйича метеостанциялар маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Таҳлиллар Фарғона водийсида ўртача йиллик ҳарорат охириги ўн йилликда 0,1-0,3°C гача пасайганлигини кўрсатди. Фарғона водийсининг тоғли ҳудудларида йиллик ёғин миқдори 400-800мм. атрофида бўлади. Адир ва чўл ҳудудларида эса 100-220 мм.дан ошмайди. Масалан, энг юқори ўртача йиллик ёғин миқдори 777 мм. бўлиб, 2017 йилга тўғри келади. 2019 йилда энг кам ёғин тушган (100мм.) ҳудуд сифатида Марказий Фарғона чўли рўйхатга олинган (2-расм).


Диссертациянинг учинчи боби “**Фарғона водийсида биохилма-хилликни сақлаб қолиш муаммолари**” деб номланган. Ушбу боб “Ўсимликлар қопламанинг асосий трансформация омиллари” ва “Кучли ўзгаришга учраган табиий ландшафтларнинг замонавий ҳолати” қисмларидан иборат бўлиб, унда Фарғона водийсида антропоген омилларнинг таъсири остида қолган ҳудудлар аниқланган ва антропоген омилларнинг таъсир

кўлами очиб берилган.



2-расм. Чўл, адир, тоғ, яйлов табиий ҳудудларида йиллик ёғин миқдори, мм

Фарғона водийси қадимдан Ўзбекистонинг аҳолиси зич жойлашган регион ҳисоблангани учун ҳудудда биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, табиий ландшафтларни сақлаб қолиш муаммолари муҳим аҳамият касб этган. Айтиш жоизки, Фарғона водийсида демографик омиллар табиий ландшафтларни антропоген ландшафтларга жадал ўзгаришида асосий чекловчи омил саналади. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда Фарғона водийсида салкам 10 млн. аҳоли яшайди. Охириги ўн йилликда Наманган вилояти аҳолиси 488 минг, Андижон вилояти 515 минг, Фарғона вилояти 590 минг кишига ошган (3-расм).



3-расм. Аҳоли сонини ўсиб бориш динамикаси (сўнгги эллик йилда, минг киши ҳ.)

Ҳозирда Фарғона водийсида жами ер майдонининг 52,1 %и кишлоқ хўжалиги билан банд бўлган майдонларга тўғри келади. Ҳудуднинг 37,3%и

селитеб ҳудудлар ва транспорт эксплуатацияси майдонларини ташкил қилади. Фарғона водийсидаги ўтлоқзорлар, пичанзорлар ва яйловзорлар кўринишида адир, тоғли ва тоғ олди ҳудудлар умумий майдоннинг 10,6 %и ини ўз ичига олади. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сифатида Мингбулоқ табиат ёдгорлиги (10 км<sup>2</sup>), Чуст табиат ёдгорлиги (1км<sup>2</sup>), Ёзёвон табиат ёдгорлиги (18,4 км<sup>2</sup>) мавжуд бўлиб, улар Фарғона водийси умумий майдонининг атиги 0,1%ини ташкил этади, холос (1-жадвал).

Ўзбекистонда тоғ ва яйловларнинг камлиги чорва молларини режасиз ва муттасил ўтлатилишига сабаб бўлади.

### 1-жадвал

#### Маъмурий ҳудудлар бўйича ер майдонларини тақсимланиши (2021 январь ҳолатига)


Ер майдонлари	Маъмурий ҳудудлар			умумий майдон	умумий майдонга нисб. %х.
	Андижон	Наманган	Фарғона		
Умумий ер майдони, минг км <sup>2</sup> шундан;	4,30	7,44	6,76	18,5	100
Қишлоқ хўжалигига банд майдонлар, минг км <sup>2</sup>	2,552	4,025	3,060	9,637	52,1
Яйловзор ва пичанзор, минг км <sup>2</sup>	0,211	1,655	0,088	1,954	10,6
Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар	-	11	18,4	29,4	0,1%

Кўшни республикалар ҳудудидан (асосан Қирғизистон давлати) яйловлар сифатида фойдаланиш батамом тўхтатилганидан сўнг, Фарғона водийсининг яйловлари майдони кескин қисқарди. Бунинг оқибатида водийдаги чорва моллари ўтлатиб боқиладиган ўтлоқларнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетди. Қурама тоғ тизмасининг тоғ ёнбағирлари ва юқори адирларида олиб борган дала кузатишларида (2015-2016 й., апрель-май) 3000-5000 атрофидаги кўй-қўзиларни вегетация давридаги барча ўсимликларни еб кетганлиги кузатилди.

Ҳозирда Фарғона водийсидаги энг муҳим экологик индикаторлардан бири – бу яйлов ва ўтлоқларнинг бугунги ҳолатидир. Фарғона водийси табиий ландшафтларида йиллар давомида чорва молларини (йирик шохли моллар, кўй-қўзилар, эчкилар ва шу каби) узлуксиз ўтлатилиши оқибатида чўл ва тоғолди экосистемалари кучли дегредацияга учраган. Бу ҳолат чорва молларининг интенсив ўтлатилиши оқибатида водийнинг ксерофит яримбутачалар ўсимлик типни жамоаларида юз берган сукцессия жараёнида яққол акс этган (4-расм).

Сукцессиянинг биринчи босқичида табиий экосистемалардаги барқарор, кўп ярусли, мустақил флористик таркибга ҳамда натив турларнинг юқори фитоценотик фаоллигига эга бўлган бирламчи ўсимлик жамоалардан ташкил

топган фитоценозлар таназзулга учраган.



**4-расм.** Йўналтирилган антропоген омил мавжуд бўлганда ксерофит яримбутачалар ўсимлик типи жамоаларида содир бўлиши мумкин бўлган сукцессия жараёни босқичлари  
**Ўсимлик қоплами типи** – Ксерофит яримбутачалилар, турли уйғунликдаги шувоклар билан

**Кучли антропоген таъсир қилаётган омил тури** – чорва молларини ҳаддан ташқари боқилиши

**Туб ўсимлик жамоаларида доминантлик қилаётган асосий турлар** – шувок турлари, эфемерлар, пиёзли геофитлар, ҳар хил ўтлар

**Иккиламчи жамоаларда доминантлик қилаётган асосий турлар** – шувок турлари, гулсафсар турлари, адвентив бир йилликлар, кенг географик ва экологик амплитудага эга бўлган яйлов бегона ўтлари

Сукцессия жараёнининг бегона ўтлар барқарор бўлиши, битта ярусли, бир ҳаётий шаклли ўсимликларнинг устунлик қилиши ҳамда адвентив турларнинг фитоценотик фаоллигининг юқори бўлиши, яъни иккиламчи жамоалар пайдо бўлиши билан яқунланганлиги чорва молларининг интенсив боқилиши асосий антропоген омил эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар, кузатишлар ва таҳлиллар асосида Фарғона водийсида табиий ландшафт майдонларининг қисқаришига ва биологик хилма-хилликнинг камайиб кетишига жиддий таъсир кўрсатаётган антропоген чекловчи омиллар таснифи ишлаб чиқилган (2-жадвал). Мазкур таснифга асосан табиий ландшафтларга салбий таъсир кўрсатадиган антропоген омилларга демографик омили, қишлоқ хўжалиги омили, саноат ва ишлаб чиқариш омили ва рекреацион омиллар киритилди.

Фарғона водийсида йиллар давомида антропоген чекловчи омиллар таъсир этиш диапазонини кенгайтириб, табиий ландшафтларнинг техноген ландшафтлар, неоландшафтлар, агроландшафтлар, яйлов–депрессия ландшафтлари ва селитеб ландшафтларга айланишига сабаб бўлди. Бундай ҳолатлар Фарғона водийсининг Сирдарё тўқайзорлари, Марказий Фарғона чўли, Шоҳимардонсой дарёси, шунингдек, Ғовасой, Косонсой, Подшоотасой, Чодаксой, Чоркесар, Ёрдон каби тоғолди худудлари, Навкат, Маданият,

Тешиктош, Жанубий Оламушук, Полвонтош, Боғишамол, Асака, Кува, Аввал, Мўян, Риштон, Шўрсув, Конибодом адирликларида кузатилди.

**2-жадвал**

**Фарғона водийси табиий ландшафтларига таъсир кўрсатувчи антропоген чекловчи омиллар таснифи**

Антропоген чекловчи омиллар	Чекловчи омил фрагментлари	Оқибати
<b>1. Демографик омил</b>		
Аҳоли сони ортиб бориши	Шаҳар ва қишлоқларнинг қурилиши, темир йўл ва автомобил йўллари қурилиш, электр ва сув тармоқлари барпо этилиши	Техноген ландшафтлар
<b>2. Қишлоқ хўжалиги омили</b>		
Янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ишлов берилиши	а) Адир ва тоғолди пасттекикликларининг янги турар жойлари, маиший хизмат, савдо шаҳобчалари, дам олиш масканлари учун ўзлаштирилиши; б) Тўқай ва чўл минтақасида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун ерларга техник ва кимёвий ишлов берилиши.	Неоландшафтлар
Ўтлоқлар ташкил қилиш ва ишлов бериш	Дашт ва адирликларда сунъий пичанзорлар, ўтлоқлар ташкил қилиниши	Бузилган ландшафтлар
Иккиламчи ўрмонлар ва сунъий ўрмонлар ташкил қилиш	Ўрмон ҳосил қилувчи дарахт ва буталарни экиб, парваришлаш	Неоландшафтлар
Сув омборлари ва сунъий сув ҳавзалари	Тоғ ва тоғолди ҳудудларида сел йўлларида сув йиғич ҳавзалар, сув омборлари қуриш	Бузилган ландшафтлар
Чорвачиликнинг ривожланиши	Туёқли чорва молларини бетизим ва режасиз ўтлатилиши	Яйлов-депрессия ландшафтлари
<b>3. Саноат ва ишлаб чиқариш омили</b>		
Кенг тармоқли иншоотларнинг қурилиши ва эксплуатация қилиниши	Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиши	Техноген ландшафтлар
фойдали қазилма конлари, янги конлар очилиши	Ер ости бойликлари, фойдали қазилмалар, жумладан нефть, газ саноатининг мавжудлиги	Бузилган ландшафтлар
<b>4. Рекреацион омил</b>		
Селитеб ҳудудлар	Дам олиш масканлари, санаторий ва пансионатлар, зиёратгоҳлар, оромгоҳлар ва лагерларнинг кўпайиши	Селитеб ландшафтлар
Ҳарбий полигонлар ва давлат чегара ҳудудлари	ҳарбий дала ўқув машғулотлари, амалиётларнинг олиб борилиши	Бузилган ландшафтлар



Учинчи бобнинг “Кучли ўзгаришга учраган табиий ландшафтларнинг замонавий ҳолати” деб номланган иккинчи қисмида антропоген омилларнинг кучли таъсирига учраган Сирдарё дарёси тўқайзори ва Марказий Фарғона чўли экологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Айтиш жоизки, кучли антропоген омиллар таъсирига учраган Сирдарё тўқайларида бундан 50-60 йиллар муқаддам локал ва глобал даражада аҳамиятга молик ҳудудлар мавжуд бўлиб, бу ерларда ноёб ва эндем ўсимликларнинг жамоалари учраган (Арифхонова, 1967). Сирдарё тўқайзорлари табиий ландшафтини экологик баҳолаш мақсадида 3 та участкада тадқиқотлар олиб борилди, турлар таркиби, жамоанинг бегона ўтлари ва рудераль турлари аниқланди.

Шунингдек, асосий эътибор тўқайда тарқалган ноёб ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўсимлик турларининг таркибини ва локал популяцияларини аниқлашга қаратилди.


№1-участка. 2014 йил, 14-16 май. Сирдарё водийси, Чағали пункти, Ўш-Тошкент йўлининг 128 км. Чағали пунктдан 5-6 км ичкарида дарё ўзанига яқин жойларда (тахминан 10 га.майдони) туранғи формациясига мансуб ўсимлик жамоалари учрайди. Ноёб ва эндем тур учрамади.

№2-участка. 2014 йил, 17-19 май. Сирдарё бўйи, Наманган вилояти, Поп тумани. Қирчин пункти. Ибн Сино номли махсус ўрмон хўжалиги. (умумий ер майдони 237 га.) Асосий ўсимлик жамоасини ҳақиқий бута-туранғили ассоциация ва унга хос бир йиллик, кўп йиллик ўсимлик турлари ташкил қилади. Бу ҳудуднинг олдинги ва кейинги участкалардан фарқи юқори фитоценотик хусусиятга эга. Ноёб ва эндем тур учрамади.

№3- участка. 2014 йил, 20-22 май. Сирдарё бўйи. Наманган вилояти, Поп тумани, Мирзаорол қишлоғи. Туранғили формация фрагменти. Бу майдон кучли антропоген босим остидалиги билан ажралиб туради. Чорва молларини тизимсиз боқилиши оқибатида ўт ўсимликлар ассоциацияси деярли учрамайди. Туранғи дарахтлари ва айрим буталар тўқай ландшафтининг асосини ташкил қилади. Буталар таркибида зирк (*Berberis* sp.) учрайди, дреза (*Lucium ruthenicum*) нинг фитоценотик мўллиги сезиларли даражада паст. Бу жойлардан йиллар давомида тинимсиз ўтлоқ сифатида фойдаланилиши туятовон (*Zygophyllum* sp.) каби баъзи бир чорва моллари емайдиган ўсимлик турларини тўқай элементларини сиқиб чиқариб, ҳукмронлик қилишига олиб келган. Ноёб ва эндем тур учрамади.

Марказий Фарғона чўлида асрлар давомида ўзига хос ноёб ландшафти шаклланган. Флористик тадқиқотлар, геоботаник кузатишлар ҳозирда чўл экотизими кучли антропоген омилларнинг таъсирига учраганлиги, чўл ўсимликлар қопламида антропоген трансформация жараёни юз берганлигини кўрсатди (5-расм). Шунинг таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу икки ҳудудда ландшафт ҳосил қилувчи ўсимлик турлари ва уларнинг эгаллаган майдонлари деярли ўзлаштирилиб, агроландшафтларга айлантирилиб бўлинган. Тўқай ва чўл ўсимликлар қопламининг кучли антропоген омиллар таъсирига учраганлиги, Сирдарё дарёси тўқайзорлари ва Марказий Фарғона чўлининг қолдиқ фрагментлари агроэколандшафтга айланиб бораётганлиги,

табий ландшафтлар учун характерли асосий ўсимлик турларининг йўқолиб кетаётганлиги илмий асосланди.



5-расм. Марказий Фарғона чўлининг ҳозирги ҳолати

Шунингдек, бу каби ландшафтларни чор томондан маданий ландшафтлар ўраб, сиқиб кираётганлиги ҳамда майдон жиҳатидан жуда кичик масштабда қолганлиги бу ҳудудларни ААБҲ сифатида танлаш имконини чегаралади. Бу ҳолат бугунги кунда Фарғона водийсида мавжуд табий ландшафтларни сақлаб қолиш, биохилма-хилликни асраш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни ажратиш ўта муҳим эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Диссертациянинг тўртинчи “**Фарғона водийсида тарқалган ноёб ва эндем ўсимликлар**”га бағишланган. Бу бобда тадқиқот ҳудудидан фан учун илк бор аниқланган *Tulipa intermedia* Tojibaev & J.J. de Groot., Ўзбекистон флораси учун аниқланган *Pseudosedum ferganensis* Boriss., *Euphorbia alaica* (Prokh.) Prokh. ҳамда Фарғона водий флораси учун аниқланган *Atraphaxis compacta* Ledeb., *Tulipa vvedenskyi* Botschantz. каби янги турлар, *Allium michaelis* F.O. Khass. & Tojibaev, *Asparagus ferganensis* Vved., *Dorema microcarpa* Korovin., *Limonium ferganense* Ik.-Gal., *Lamyropappus schakaptaricus* (B. Fetsch.) Knorring & Tamamsch., *Mogoltavia sewerzovii* (Regel) Korovin, *Corydalis paniculigera* Regel et Schmalh. сингари тор тарқалиш ареалига эга бўлган ноёб ва реликт турларнинг тавсифи, янги ўсиш жойлари (макон) ва ГАТ хариталари келтирилган (6-7-расмлар).




А.



Б.

6-расм. Фан учун илк бор аниқланган янги тур. А-*Tulipa intermedia* Tojibaev & J.J. de Groot. Б.- Ўзбекистон флораси учун аниқланган *Pseudosedum ferganensis* Boriss.



7-расм. Фан учун янги тур *Tulipa intermedia* нинг ўсиш жойи ва ГАТ харитаси

Шунингдек мазкур бобда 28 оила, 69 туркумга мансуб 166 ноёб ва эндем турларнинг конспекти баён этилган.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Фарғона водийсининг алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудлари”** деб номланган. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг замонавий методларидан бири бу – Plantlife international ташкилоти томонидан “Ўсимликларни сақлаб қолишнинг глобал стратегияси” доирасида Европа давлатлари учун ишлаб чиқилган (Андерсон, 2002, 2003, Plantlife International, 2005) IPA ларни (Important plant areas, ключевые ботанические территорий-КБТ, алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудлар-ААБХ) танлаш методи ҳисобланади. Бу методика ноёб турларни сақлаб қолишнинг куйидаги критерийлар(мезонлар)ига асосланади; А – критерий (тахдид остида бўлган тур) – глобал ёки Европа миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган бир ёки бир нечта ўсимлик турларининг кўп сонли популяциясига эга ҳудуд; Б – критерий (ўсимлик турларининг бойлиги) – Европа миқёсидаги ўзига хос бой флорага ва турлар хилма-хиллигига эга муайян биогеографик ҳудуд; С – критерий (тахдид остида бўлган яшаш жойлари) – бутун дунё бўйлаб ёки Европа миқёсида ноёб табиий ҳудудлар (муҳитлар).

Тадқиқот доирасида Ўзбекистонда биринчи марта Марказий Осиёнинг табиий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилаётган хорижий методик тавсиялар модификация қилинди (5.1.1-жадвали). Хорижий методик тавсияларнинг (Anderson, 2002, 2003; Plantlife International, 2003, 2005) Б, С критерийлари ўзгаришсиз қабул қилинди. А критерийнинг тўртта категорияси маҳаллий шароитга мослаштирилган ҳолда модификация қилинди;


А(i) категория – глобал тахдид остида турган турлар;

А(ii) категория – тахдид остида бўлган ноёб ва эндем турлар ёки носпецифик таксонлар;

3-жадвал

**Фарғона водийсида ноёб ва эндем турларни сақлаб қолиш тамойиллари**

Критерий ва категориялар (Anderson, 2002, 2003; Plantlife International, 2003, 2005)	Модификацияланган категориялар (Тожибаев ва б/. 2012)	Антропоген омиллар таъсирида қолган ноёб турлар	Ноёб ва эндем турларни сақлаб қолиш тамойиллари	
<p><b>А-критерий</b> <i>Таҳдид остида бўлган турлар</i> –глобал ёки Европа миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган бир ёки бир нечта ўсимлик турларининг кўп сонли популяциясига эга ҳудуд</p>	<p>A(ii), A(iii), A(iv) категориялар модификация қилинди</p>			
<p>A(i)</p>	<p>глобал таҳдид остида деб топилган ва тегишли рўйхатга киритилган турлар [IUCN, 2006]</p>	<p>A(i)- глобал таҳдид остида турган турлар</p>	<p>Халқаро Қизил рўйхатга киритилган ноёб турлар</p>	<p>Халқаро аҳамиятга эга, глобал таҳдид остида турган ўсимлик турларини аниқлаш тамойили</p>
<p>A(ii)</p>	<p>Европада хавф остида деб топилган ва тегишли рўйхатга киритилган турлар [List of., 1982, 1983]</p>	<p>A(ii)-таҳдид остида бўлган ноёб ва эндем турлар ёки носпецифик таксонлар</p>	<p>Фарғона водийсининг Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ноёб ва эндем турлари</p>	<p>Йўқолиб бораётган ноёб ва эндем турлар сонини тиклаш, сақлаб қолиш тамойили.</p>
<p>A(iii)</p>	<p>йўқолиб бораётган эндемик турлар, A(i) ва A(ii) га киритилмаган турлар</p>	<p>A(iii)-потенциал таҳдид остида бўлган бир ёки бир нечта жуда чекланган эндем турлар</p>	<p>Фарғона водийси эндемлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудлари)</p>	<p>Ноёб, эндем ва реликт турларга популяцион нуқтаи назаридан экологик баҳо бериш тамойили;</p>
<p>A(iv)</p>	<p>таҳдид остида бўлган субэндемик (тор доирадаги) турлар, A(i) ва A(ii) га киритилмаган турлар</p>	<p>A(iv)-потенциал таҳдид остида бўлган бир ёки бир нечта чекланган ноёб, эндем ва субэндем турлар</p>	<p>Тоғли Ўрта Осиё провинцияси эндемлари.</p>	<p>Табиий экосистемалар таназзулини ва фрагментациясини пасайтириш тамойили.</p>
<p><b>Б-критерий</b> <i>Ўсимлик турларининг бойлиги</i> - Европа миқёсидаги ўзига хос бой флорага ва турлар хилма хиллигига эга муайян биогеографик ҳудуд</p>		<p>В критерий ўзгаришсиз қабул қилинди</p>		
<p><b>С-критерий</b> <i>Таҳдид остида бўлган яшаш жойлари</i> - бутун дунё бўйлаб ёки Европа миқёсида ноёб табиий ҳудудлар (муҳитлар)</p>		<p>С критерий ўзгаришсиз қабул қилинди</p>		



8-расм. Фарғона водийсида тарқалган ноёб ва эндем турларининг А критерий бўйича таҳлили


A(iii) категория – потенциал таҳдид остида бўлган бир ёки бир нечта жуда чекланган ноёб ва эндем турлар;

A(iv) категория – потенциал таҳдид остида бўлган бир ёки бир нечта чекланган ноёб, эндем ва субэндем турлар.

Антропоген омиллар таъсирида қолган Халқаро Қизил рўйхатга киритилган ноёб турлар (IUCN, 2009) A(i) категорияга киритилиши белгиланди. A(ii) категорияга Ўзбекистон Қизил китобига (1998, 2006, 2009) киритилган ноёб ва эндем турлар, A(iii) категорияга Фарғона водийси эндемлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудлари), A(iv) категорияга тарқалиши ва ареали Тоғли Ўрта Осиёдан ташқарига чиқмайдиган эндем ва субэндем ўсимлик турлари киритилди.


Олиб борилган дала тадқиқотлари натижасида 28 оила, 69 туркумга мансуб 166 ноёб ва эндем турларнинг А критерий бўйича кенг қўламли таҳлили амалга оширилди. Унга кўра, ноёб ўсимликларнинг 46 тури A(ii)-таҳдид остида бўлган турлар ёки носпецефик таксонлар, 42 тури A(iii)- потенциал таҳдид остида бўлган жуда чекланган эндем турлар, 78 тури A(iv)- потенциал таҳдид остида бўлган чекланган эндем турлар категориясига киритилди (8-расм). Фарғона водийсида Тоғли Ўрта Осиё эндем турлари, яъни A(iv) категорияга мансуб ноёб турларнинг етакчилик қилиши Тоғли Ўрта Осиё эндемизм фракциясининг шаклланишида Фарғона водийси юқори кўрсаткичга эга эканлиги билан изоҳланди.

